

СОМОНИЙЛАР ДАВРИ ҚИРОАТ ИЛМИ ОЛИМЛАРИ

Саиджонов Акмалдин Адҳамжон ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

Тел.: +99(894) 397-31-35

Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган сомонийлар сулоласи (204 – 389/819 – 999) даврида қироат, тафсир, ҳадис, фиқҳ каби ислом илмлари ривожланиш поғонасига кўтарилди. Булар орасида “қироат” илми Қуръон оятлари тиловати билан боғлиқлиги жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Қуръон матнлари мусулмонларнинг ҳаётий дастуриамали бўлиб, унинг тиловати ҳам барчага азиз ҳисобланган. Сомонийлар даврида баъзи шаҳарларда, масалан, Нишопурда зодагонлар ва оқсоқоллар ҳар жума куни эрталаб йиғилишиб то кўёш чиққунигача Қуръон тиловат қилишган¹⁸.

Қуръондаги тадаббур (ўлчов) ва унинг маъносини англаш араб тилини ўрганишни, тажвид ва тартил қоидаларини билишни талаб қилади. Шу сабабли Қуръонни ўқишда қироат ва тафсир илми иккита асосий тармоққа айланди. Сомонийлар сулоласи даврида Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарларда қироат дарслари ўқитилган, аммо бу илм соҳасида Нишопур етакчи саналган. Қироат олимларидан Абу Ҳомид Аҳмад ибн Абдурахмон Сурҳакий Нишопурий (вафоти 316/928 йил) ҳанафий фақиҳи ва “ал-Қироат” муаллифидир¹⁹.

Абу Ҳомид Аҳмад ибн Исмоил Сарром Нишопурий Муқрий (вафоти 333/944 йил) катта қорилардан ҳисобланиб, у Ҳамдун ибн Абу Саҳл Муқрий ҳузурида қироат илмини ўрганган. У дастлаб Нишопурдаги Мураббаъ масжидида, кўзи ожиз бўлиб қолганидан сўнг эса уйда қироат билан шуғулланган²⁰. Ҳамдун Муқрийнинг яна бир шогирди, Аҳмад Сарромнинг ҳамроҳи нишопурийлик Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдус Жунайдий (вафоти 338/949 йил) таниқли муфассир ва қироат илми билимдонларидан бўлиб, Ҳоким Нишопурийнинг таъкидлашича, у Қуръонни тиловат қилишда ва унинг маъносини тушунишда Хуросонда тенгсиз бўлган. Бағдодлик муқрий (қори) Ибн Шанбуз (вафоти 328/940 йил) Нишопурга келганида Жунайдий ундан илм ўрганган²¹.

“Ибн ул-Имом” номи билан танилган Абу Бакр Аҳмад ибн Аббос ибн Убайдуллоҳ (вафоти 355/966 йил) Абу Бакр ибн Мужоҳид ва Аҳмад ибн Саҳл ибн Ушнанийнинг кўзга кўринган шогирдларидан бўлиб, у 335/946 йили Бағдоддан Нишопурга кўчиб келган ва ўша ерда яшаган. У бироз муддат Марв, Бухоро ва Фарғонада ҳам бўлган. Амир Нуҳ ибн Наср унга Қуръонни “хатм” қилдириб, ҳадия сифатида мол-мулк

¹⁸ Муҳаммад ибн Аҳмад Муқаддасий. Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим. – Лейден, 1967. – 328 б.

¹⁹ Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. Ал-Ансоб. – Ҳайдаробод, 1962–1982. – 7 ж., 121-б.

²⁰ Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. Ал-Ансоб. – Ҳайдаробод, 1962–1982. – 8 ж., 296-б.

²¹ Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. Ал-Ансоб. – Ҳайдаробод, 1962–1982. – 3 ж., 361–362 б.

берган. Шундан сўнг Ибн ул-Имом аввал Журжонга, кейин эса Райга боради ва ўша ерда вафот этади²².

Абу Бакр ибн Мужоҳиднинг яна бир шогирди Абулхусайн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ёқуб Ҳожжожий Нишопурий (вафоти 368/979 йил) бўлиб, у ўз даврида қорилар ва муҳаддислар раиси сифатида таърифланган. Абу Али Ҳофиз, Абу Бакр ибн Муқрий ва Ҳофиз Нишопурий каби баъзи кишилар Ҳожжожийдан ривоят қилишган²³.

Абу Бакр Аҳмад ибн Хусайн ибн Меҳрон (вафоти 381/991 йил) қироат илмининг Нишопурдаги яна бир машҳур вакили бўлиб, у Самарқандда Ибн Касир қироати ровийлари Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳомид Саффор ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Тамимий Бухорийлардан қироат илмини ўрганган, сўнгра қироат санадларини ўрганиш учун Ироқ ва Сурияга сафар қилган. Дамашқ ва Бағдодда Ибн Аҳрам, Абулхусайн Ибн Буён, Абу Бакр Наққош ва Абу Исо Баккор каби устозлардан таҳсил олади. Ибн Меҳрон Нишопурга қайтгач, умрини қироат илмини ўрганиш ва ўқитишга бағишлади. У Абулвафо Маҳдий ибн Тарора Қоиний, Абулқосим Али ибн Аҳмадий Бустий, Абу Усмон Саид ибн Муҳаммад Хайрий ва Абу Саид Аҳмад ибн Иброҳим Муқрий каби шогирдларни етиштирди²⁴.

Ибн Меҳронни машҳур қилган нарса қироат илми билан боғлиқдир. Дастлаб, Ибн Мужоҳид Абу Бакр Аҳмад ибн Мусонинг (вафоти 324/936 йил) 300/913 йили ўқиган “сабъий” (этти) қироати алоҳида аҳамиятга эга бўлди ҳамда бу ярим асрга яқин қироат оламида етакчилик қилди. Кейин эса Хуросонда биринчи марта Ибн Меҳрон томонидан қилинган “ашара (ўн) қироат” унинг ўрнини эгаллади²⁵.

Ибн Меҳрон асарлари қироат дарслиги манбаси сифатида Хуросондан ташқари, асрлар давомида Қазвин, Ҳамадон, Кирмон, Ироқ, Сурия ва Мисрда ҳам ўқитиб келинди. Ибн Меҳроннинг IV/X аср ўрталарида ёзган “аш-Шомил” асари “ўн қироат”га оид бўлиб, кейинчалик олимнинг ўзи мазкур асарни изоҳлаш учун “Мабсут” асарини ёзган²⁶. Ибн Меҳроннинг “ўн қироат”га оид яна бир муҳим асари “ал-Ғоя” бўлиб, у айниқса, ўзидан кейинги даврларда кенг тарқалган. Бу китобнинг ровийларидан бири муаллифнинг невараси Наср ибн Бакр ибн Аҳмад ва яна бири Абу Саъд Аҳмад ибн Иброҳимдир. Ибн Меҳроннинг шогирди Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Заририй Куҳандизий “Ал-Ғоя” асарининг тадқиқи ва изоҳига бағишлаб, “Илал ул-қироат ал-мураттаба фил-Китоб ал-Ғоя” номли катта асарни ёзган²⁷.

Ибн Мужоҳиднинг шогирдларидан “Тирозий” номи билан машҳур бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бағдодий (вафоти 385/995 йил) ҳам қироат илмида алоҳида ўринга эга бўлиб, у қироатдан ташқари грамматика, шеър,

²² Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тариху Бағдод. Байрут. – 4 ж., 330–331 б.

²³ Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияр аъламин нубало. – Байрут, 1406. – 16 ж., 240–242 б.

²⁴ Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. Ал-Ансоб. – Ҳайдаробод, 1962–1982. – 12 ж., 490–491 б.

²⁵ Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Муъжам ул-удабо. – Байрут, 1993. – 1 ж., 233 б.

²⁶ Аҳмад ибн Хусайн Ибн Меҳрон Нишопурий. Ал-Мабсут. Дамашқ, 1986. – 712 б.

²⁷ Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Муъжам ул-удабо. – Байрут, 1993. – 4 ж., 1662 б.

адабиёт ва ҳадис илмидан ҳам яхши хабардор бўлган. Тирозий 330/941 йили Бағдоддан чиқиб, 332/943 йилда Нишопурга келиб ўрнашган. Тирозий қироат бўйича шогирдлар тайёрлашга катта эътибор берган. Улар орасида самарқандлик шайх Абулфатҳ Наср ибн Абу Наср Аҳмад Ҳаддодий, хуросонлик муҳаққиқ, қироат бўйича бир нечта асарлар муаллифи Абу Наср Мансур ибн Аҳмад Ироқий ва нишопурлик қори, қироат китоблари муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад Хаббозийни (вафоти 372 – 449/982 – 1058 йил) кўрсатиш мумкин²⁸. Ибн Мужоҳиднинг сарахслик шогирдларидан шафеъийлик фақиҳи, муҳаддис Абу Али Зоҳир ибн Аҳмад Сарахсий (вафоти 389/999 йил) тилга олинади²⁹.

Сомонийлар даврида Самарқандда қироат ўргатувчи олимлар орасида Аҳмад ибн Ҳомид ибн Тоҳир Насафий машҳур бўлиб, у самарқандлик Абулфазл Муҳаммад ибн Исҳоқ Аттордан “етти қироат”ни ўрганган. Унинг шогирдлари сифатида Абу Таммом ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Насафий (вафоти 390/1000 йили) ва Наср ибн Абдулазиз Насафийни (вафоти 422/1031 йил) кўрсатиш мумкин. Ҳаддодий номи билан танилган самарқандлик Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад (вафоти 400/1010 йилдан кейин) ушбу шаҳарда “қорилар улуғи” (шайх ул-қурро) сифатида кўрилган. У қироатга оид “ал-Ғуния” асарини ёзган. Унинг ўғли Наср ибн Аҳмад ҳам Самарқандда қироатдан дарс берган³⁰.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Муҳаммад ибн Аҳмад Муқаддасий. Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим. – Лейден, 1967.
2. Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. Ал-Ансоб. – Ҳайдаробод, 1962–1982.
3. Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тариху Бағдод. Байрут.
4. Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияр аъламин нубало. – Байрут, 1406.
5. Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Муъжам ул-удабо. – Байрут, 1993.
6. Аҳмад ибн Ҳусайн Ибн Меҳрон Нишопурий. Ал-Мабсут. Дамашқ, 1986.
7. Абдулваҳҳоб ибн Али Субкий. Табақот аш-шофеъия ал-кубро. Қоҳира, 1964–1976.
8. Муҳаммад ибн Муҳаммад Ибн Жазарий. Ғоят ан-нихоя фи табақот ал-қурроъ. Байрут, 1982.

²⁸ Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияр аъламин нубало. – Байрут, 1406. – 1 ж., 413–414 б.

²⁹ Абдулваҳҳоб ибн Али Субкий. Табақот аш-шофеъия ал-кубро. Қоҳира, 1964–1976. – 3 ж., 293–294 б.

³⁰ Муҳаммад ибн Муҳаммад Ибн Жазарий. Ғоят ан-нихоя фи табақот ал-қурроъ. Байрут, 1982. – 1 ж., 105 б.